

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 2025 йилда жами 10 млрд. м³ тежалди.

887 минг гектар майдонларда сув тежови технологиялар, жумладан, 104 минг гектарда томчилатиб суғориш, 31 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш, 14 минг гектарда дискрет суғориш, 124 минг гектарда бошқа турдаги технологиялар жорий қилинди. 614 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари лазерли ускуналар ёрдамида текисланди.

Ирригация йўналишида 705,4 км каналлар, 157,8 км суғориш (лоток ва қувур) тармоқлари, 73 та гидротехник иншоот, 10 та (53,2 м³/сек) насос станцияси, 46 та суғориш қудуғи, 6,3 км насос станцияларининг босимли қувурлари, 13,4 км қирғоқ химоя ишлари ҳамда мелиорация йўналишида 203 км очик ва 100 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 22 та гидротехник иншоот, 40 та тик дренаж қудуғи ва 60 та кузатув қудуқларида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Вазирлик тасарруфидаги насос станцияларида маънан эскирган 157 та насос ва 166 та электродвигателлар янгисига алмаштирилди, 165 та конденсатор, 135 та частота, қуввати 752 кВт бўлган қуёш панеллари ва 5400 литр сув иситиш қурилмалари ўрнатилди. Йил якуни бўйича 5 994 млн. кВт. соат электр энергияси сарфланиб, ажратилган лимитга нисбатан 192, 1 млн. кВт. соат электр энергияси тежалди.

Кузги-қишки тадбирлар доирасида 3855 км узунликдаги суғориш каналлари тозаланиб, улардаги 5154 дона гидротехник иншоот ва 5354 дона гидропостларда таъмирлаш ишлари бажарилди. Хўжалик ички суғориш тармоқларининг 39 993 км узунликдаги қисми (7086 км қисми механизм ёрдамида, 32907 км узунликдаги қисми қўл кучи ёрдамида) тозаланиб, 7026 дона гидротехник иншоотлар ва 7078 дона гидропостлар таъмирланди. Фермерларнинг хўжалик ички суғориш тармоқларидаги 9334 дона сув олиш қулоқларида жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ҳисобида бўлган 2 214 км узунликдаги ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилди.

“Вазиятлар маркази” барпо этилиб, соҳада мавжуд барча ахборот тизимлари маълумотларини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Рақамли сув хўжалиги” ягона платформаси яратилди.

Давлат дастури доирасида республика бўйича жами 17 та, шундан, Навоий, Самарқанд ва Андижон вилоятларида 1 тадан, Жиззахда 2 та, Фарғонада 8 та ҳамда Хоразмда 4 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқаруви автоматлаштирилган тизимга ўтказилди.

2 минг 42 та сув хўжалиги объекtlари, шундан 34 та насос станция, 9 та суғориш қудуғи ҳамда ягона сув истеъмолчига хизмат кўрсатадиган 1 минг 999 та суғориш қудуқлари хусусий сектор бошқарувига берилди.

Хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган 5 та лойиҳалар доирасида 121,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлар ва грант маблағлари ўзлаштирилиши натижасида 387 дона насос агрегатлар, 132 дона электродвигатель, 91 дона вакуум насос, 26 дона кран балка, 296 дона задвижка, 261 дона клапан, 380 дона КСО шкаф, 141 дона трансформатор ва бошқалар олиб келиниб, 1,6 млн евролик лойиҳа ва қурилиш ишлари бажарилди. 32 км канал бетонлаштирилди.

2026 йилнинг йилнинг I чорагида амалга ошириладиган вазифалар:

Республика бўйича жами 625 минг гектар майдонда шўр ювиш тадбирлари ташкил этилади.

2026 йилда республикада жами 503 минг гектар (107 минг гектарда томчилатиб, 34 минг гектарда ёмғирлатиб, 25 минг гектарда дискрет, 97 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий қилинади ҳамда 240 минг гектар ерларни лазер ёрдами текислаш) майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ишлари амалга оширилади.

Биринчи чоракда 60,3 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш режалаштирилган. Шундан, 12 минг гектарда томчилатиб, 4,1 минг гектарда ёмғирлатиб, 3 минг гектарда дискрет, 11,6 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий қилинади. 28,8 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари лазерли ускуналар ёрдамида текисланади

15 та насос станциясига муқобил энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилади. лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, Наманган вилоятида 1 та, Самарқанд вилоятида 2 та, Тошкент вилоятида 4 та ва Фарғона вилоятида 4 та насос станцияларига қуёш панеллари ўрнатилади.

Бундан ташқари жорий йилда 156 та насос ва 149 та электродвигателлар янгиланади. Ҳамда 67 та конденсатор, 84 та частота ўзгартирувчи қурилма, 730 кВт қуёш панеллари ва 26 та қуёш сув иситкич қурилмалари ўрнатилади.

Республика чегарасида сув манбаларидан олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш мақсадида 322 та рақамли сув ўлчаш қурилмалари харид қилиниб Ўзбекистонга олиб келинади ҳамда ўрнатилиши белгиланган ҳудудларга етказилади.

Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси учун 20 та учувчисиз учиш аппаратлари (дрон) ҳамда 155 та боди камералар харид қилинади.

Манзилли дастурга киритилган 114 та ирригация ва 40 та мелиорация объектларида қурилиш, реконструкция қилиш ишлари бошланади.

Шунингдек, 70 та объект доирасида жорий йилда фойдаланишга топшириш белгиланган 68 та объектларда 500 км каналларни бетонлаштириш, 6,2 км лоток ва 4,7 км ёпиқ қувур тармоғини реконструкция қилиш ишлари якунланади.

2 238 км хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш, улардаги 1 423 дона гидротехник иншоотлар, 1 223 дона гидropостларни таъмирлаш ишлари билан бир қаторда кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 3 696 км ички ариқларни механизм ёрдамида ва 12 минг км ариқларни қўл кучи ёрдамида тозалаш, ички суғориш тармоқларидаги 12 174 дона гидротехника иншоотлар ва гидropостларни таъмирлаш ҳамда фермерларнинг 7 725 дона сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишлари бажарилади.

Сув хўжалиги объектларида жойлашган 23 минг 433 дона гидropостлар таъмирланади. 705 дона сув ўлчаш қурилмаси тарировка кўригидан ўтказилади, 52 дона янгидан сотиб олинади. 5083 дона рейка ва 115 дона гидрометрик штангалар сотиб олинади.